



МУАЛЛИФДАН

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Ва мин-ан-наси ман южаадилу филлаҳи биғойри ғилмин ва яттабиъу кулла шайтонин мариидин. Кутиба алайҳи аннаҳу ман таваллаҳу фааннаҳу юдиллуҳу ва яҳдиҳи ила ғзаби-с-саъийр».*

«Вамтаазул явма айюҳал мужримуун. Алам ғаҳад илайкум яа баний адама алла таъабудуш шайтон, иннаҳу лакум адуввум мубийн. Ва аниъбудуни ҳаза сиротум мустақийм. Ва лақод азолла минкум жибиллан касийро. Афалам такунуу таъақилун. Ҳазиҳии жаҳан- наму-лллати кунтум туъадуун».*

«Шундан сўнг иблис Расули акрам (с. а. в.) га ўз ҳолатини англата бошлади: Ей Муҳаммад, бирон кимсани залолатга олиб бориш учун қўлимда имкон йўқ. Мен фақат васвасага соламан, бир нарсани чиройли қилиб кўрсатаман, холос. Агар залолатга олиб бориш учун қўлимда имконият бўлса эди, ер юзида «ла илаҳа иллаллаҳу Муҳаммадур расулиллаҳ» дейдиганларни, рўза тутадиганларни, намоз ўқийдиганларни ҳоли қўймасдим. Барчасини залолатга бошлардим. Сизнинг қўлингизда ҳидоятга бошлаш имконияти бўлмаганидай, мен ҳам залолатга бошлай олмайман. Сиз фақатгина Оллоҳнинг элчисисиз ва таблиғга (Ислом динини ёйишга) маъмурсиз. Агар ҳидоятга бошлаш қўлингизда бўлсайди, ер юзида битта ҳам кофир қолмас эди. Сиз Оллоҳнинг яратганлари учун бир ҳужжатсиз. Мен ҳам азалдан бузғунчилик, гуноҳкорлик ёзилган кишиларга бир сабаб, воситаман».*

М а з м у н и б у д и р: * «Одамлар орасида ўзи билмаган ҳолида Оллоҳ хусусида мужодала қиладиган ва ҳар бир итоатсиз шайтонга эргашиб кетаверадиган кимсалар ҳам бордир. У (шайтонга эса) ўзини дўст тутган кимсани, албатта, йўлдан оздириш ва дўзах азобига йўллаш ёзиб қўйилган — ҳукм қилингандир» («Ҳаж» сурасидан).

* «Ей жиноятчи кимсалар, мана бу кунда (мўъминлардан) ажралинглари! Мен сизларга: «Ей Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглари! Мана шу тўғри йўлдир», деб буюрмаганмидим? Аниқки, (шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир ақл юритгувчи бўлмадингизларми?! Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир!» («Ёсин» сурасидан Алоуддин Мансур таржимаси.)

* Муҳйиддин ал-Арабийнинг «Шажаратул-Кавн» китобидан.